

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ФИЗИКА - МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ**  
**«АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ»**  
**КАФЕДРАСИ**

**Ҳайитов Отабек Чори ўғли**

**Макрослар ёрдамида ўқув эфектлари ва трюкларини яратиш**

5110700- “Информатика ўқитиш методикаси” таълим йўналиши бўйича  
бакалавр даражасини олиш учун ёзилган

**БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ**

**Илмий раҳбар: и.ф.д.О.Қ.Хатамов**

**Термиз – 2017 й.**



## **М у н д а р и ж а**

<b>Кириш.....</b>	<b>.....</b>
<b>I.БОБ. VISUAL BASIC FOR APPLICATION ДАСТУРЛАШ</b>	
<b>МУҲИТИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ.....</b>	
<b>    1.1. Microsoft Office дастурларида макрослар билан ишлаш.....</b>	
<b>    1.2. Microsoft Excel билан ишлашда VBA нинг функционал</b>	
<b>имкониятлари.....</b>	
<b>    1.3. Макрос ёзишнинг дастлабки қадамлари ва массивлар</b>	
<b>билан ишлаш.....</b>	
<b>II.БОБ. VBA ОБЪЕКТЛАР ИЕРАРХИЯСИ, ФАЙЛЛАР БИЛАН</b>	
<b>ИШЛАШ ВАЎҚУВ ЭФФЕКТЛАРИ ҲАМДА ТРЮКЛАРИ ЯРАТИШ</b>	
<b>АМАЛИЁТИ.....</b>	
<b>    2.1. VBA да дастурий код ёзишнинг объектлар иерархияси.....</b>	
<b>    2.2. VBA муҳитида файлларга ахборотни киритиш ва чиқариш.....</b>	
<b>    2.3. Макрослар ёрдамида ўқув эфектлари ва трюкларини яратиш</b>	
<b>амалиёти.....</b>	
<b>Хулоса ва таклифлар.....</b>	
<b>Фойдаланилган адабиётлар.....</b>	

## **КИРИШ**

**Мавзунинг долзарбилиги.** 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан Фан ва Техника Давлат қўмитаси қошида Ахборотлаштириш бўйича бош Бошқарма тузилди. Қўмита томонидан 1993 йил май ойида ахборотлаштириш ҳақида, 1994 йилда ЭХМ ва маълумотлар базаси учун дастурларни хуқукий муҳофазалаш тўғрисида қонунларнинг қабул қилиниши бу масалада туб бурилиш ясади. Ушбу қонунда мамлакатимизда замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш, ахборот хизматлари соҳасини кенгайтиришни асосий йўналишлари аниқ-равshan белгилаб берилди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 2 декабрдаги фармойиши билан Ўзбекистон Республикасини Ахборотлаштириш концепцияси маъқулланди. Ушбу концепцияда ахборотлаштириш жамият тараққиётининг объектив жараёни эканлиги кўрсатиб ўтилди. Ахборотлаштириш концепцияси З та асосий мақсадга йўналтирилган:

1. Замонавий ахборот технологияларини ривожлантириш, давлатнинг барча субъектлари учун ахборот хизматларини кенгайтириш;
2. Иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларда ахборот тизимлари шаклланишига кўмаклашиш;
3. Мамлакатни жаҳон ахборот тизимлари ва тармоқларига улаш.

Концепциянинг асосий қоидалари, вазифалари хисобга олинган ҳолда «Ўзбекистон Республикасининг ахборотлаштириш дастури» ишлаб чиқилди. Дастур З қисмдан иборат:

- миллий ахборот-хисоблаш тармоғини тузиш;
- ЭХМни математик ва дастурий таъминлаш;
- шахсий компьютер билан таъминлаш;

Мазкур дастурда Вазирлик ва Маҳкамаларнинг ахборот тармоқлари, Миллий ахборотни хисоблаш тармоғини яратиш, компьютерлар ва хисоблаш техникаси воситаларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш, янги

ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш, ҳужжатлаштиришнинг меъёрий-услубий ва ҳуқуқий тизимини яратиш ва бошқалар ўрин олган. Юқоридаги кўрсатилган вазифаларни бажариш бир неча босқичда амалга ошириш кўзда тутилган.

Дастурни амалга ошириш борасида ҳукуматимиз томонидан шу қунгача бир қанча қарорлар қабул қилинди. Жумладан, 2002 йил 6 июнда «Компьютерлаштиришни янада ривожантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ахборотлаштиришнинг миллий тизимлари барпо этилишини, иқтисодиётга ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси ҳаётига компьютер техникаси ва ахборот технологиялари оммавий жорий этилиши учун шарт-шароитларни таъминлайди, жаҳон бозорида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини оширади.

2002 йил 12 декабрда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонуннинг асосий вазифалари ахборот эркинлиги, принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашдан иборат.

2004 йил февралда «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг мақсади ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш, «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги қонуннинг мақсади эса, электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2004 йил 29 апрелда “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги қонун қабул қилинди. Электрон ҳужжат айланишида электрон ҳужжатларни муҳофаза қилиш, электрон ҳужжат айланишининг иштирокчиларига ёки

бошқа юридик ва жисмоний шахсларга зарап етказилишининг олдини олиш мақсадида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирлар республиканинг жаҳон жараёнларига муваффақиятли интеграциялашуви имкон бераб, мамлакат иқтисодиёти самарадорлигини ўсишида телекоммуникациялар, компьютер ва ахборот технологияларининг фаол роли ошишини, инсонларнинг фаолият ва турмуши техник қурилмалар ва хизматларнинг энг замонавий турлари билан жиҳозланишини таъминлаш, яратилган дастурлар имкониятларини янада кенгайтириш учун шароитлар яратади. Шу нуқтаи назардан мазкур битирув малакавий иш долзарб масалага қаратилганлиги билан эътиборга моликдир.

**Ишнинг мақсади ва вазифалари:** Бизга маълумки, дастурлаш яратилаётган лойиҳани ёзишнинг маҳсус усули. Бир қарашда дастурни қайта ишлаш учун компьютер хотирасига киритиш етарли-ю, аммо унинг услуби ва айниқса, ўзига хос ёзилишининг аҳамияти йўқдек бўлиб кўринади. Аслида эса дастур тушунарли ва ўқиш учун осон бўлиши керак. Зарурат туғилганда уни тушуна олиш ёки унга керакли ўзгартеришлар киритиш мумкин бўлиши керак. Ҳам табиий, ҳам математик тилларда тасвирланган ифодалар воситаларидан оқилона фойдаланиш сифатли дастурлар яратишнинг етарли шартларидан ҳисобланади. Шуларни эътиборга олган ҳолда, ушбу битирув малакавий **ишнинг мақсади** қилиб, Microsoft Office билан ишлашда макрослардан фойдаланиб, ўқув эффектлари ва трюклари яратиш услубияти билан танишишдир. Мазкур мақсаддан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар

белгиланган:

- Microsoft Office дастурларида макрослар билан ишлаш;
- Microsoft Excel билан ишлашда VBA нинг функционал имкониятлари билан танишиш;
- VBA да дастурий код ёзишнинг обьектлар иерархиясини таҳлил этиш;
- VBA мухитида файлларга ахборотни киритиш ва чиқариш амалиётини ўрганиш;
- макрослар ёрдамида ўқув эффектлари ва трюкларини яратиш.

**Ишдаги илмий янгиликлар:** Ишнинг илмий янгилиги VBA (Visual Basic for Application) дастурлаш муҳити, унинг компонентлари ва иловаларидан фойдаланиб, фойдаланувчилар учун қулай интерфейсга эга бўлган ўкув эффектлари ва трюклари яратиш технологиясининг илмий-назарий ва амалий жиҳатларини очиб бериш ҳисобланади.

**Ишнинг амалий аҳамияти:** Бугунги кунда компьютер фойдаланувчилари унда ишлаш жараёнида жуда кўплаб амалий дастурлардан фойдаланишади. Жумладан, шулар қаторида оғис дастурлари пакети энг кўп қўлланиладиган дастурлар тоифасига киради, табиийки оғис дастурларида кўшимча функциялар ҳосил қилиш учун қўлланиладиган дастурий иловаларга ҳам бугунги кунда эҳтиёж ортмоқда. Бундай дастурларни ишлаб чиқиши, уларни фойдаланувчиларга тақдим қилиш дастурчилар олдида доимгидек муҳим бўлиб қолмоқда. Чунки, дастурлар сони кўпайгани сари фойдаланувчиларда ўзига қулай дастурни танлаш имконияти ортиб боради. Ушбу битириув малакавий ишида яратилган дастурлар ҳам ана шундай дастурлардан бири ҳисобланади. Битириув малакавий ишида бундай дастурий воситани яратиш технологияси амалий жиҳатдан атрофлича очиб берилган.

Дастур тузиш ижодий иш ҳисобланади, чунки ҳатто аниқ ифодаланган мақсадга этиш учун усулларни излаш ҳам умумий ҳолда янги билим ва кўникмаларни ишлаб чиқиши ва қўллашни талаб қиласи. Баъзи хусусий ҳолларда тизимли ва формал дастурлаш процедураларини топиш мумкин. Агар дастурлаш учун қўйилган масала алгоритм кўринишида тасвиранган бўлса, у ҳолда дастурлаш алгоритмнинг ёзилиш тилидан бажарувчи томонидан тушунарли бўлган тилга кўчиришдан иборат бўлади. Алгоритмларнинг ёзувларини ўтказувчи тизимли процедураларни излаш ёки дастурни масаланинг шартларидан ва қўшимча маълумотлар асосида яратиш синтез дастури ва унинг дастурни трансляция қилиш хусусий ҳолининг мавзуси (предмети) ҳисобланади.

Дастурлаш методикаси дастурнинг зарур ўзига хослигига асосий эътиборни қаратади, чунончи ўзига хосликдаги маълумотлардан унумли

фойдаланиш дастурнинг ишончлилигини оширади. Дастурнинг тўғрилигини текширишни осонлаштирувчи унинг тузилишини яратиш дастурлашнинг асосий жиҳати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ҳам ёш авлодни янги компьютер технологияларини эгаллаши, уларнинг билимларини ривожланган хорижий талабалари савиясига етказиш долзарб масала килиб қўйилган.

Ушбу битириув малакавий ишида VBA (Visual Basic for Application) дастурлаш муҳитининг кучли имкониятларидан фойдаланиб, Microsoft Office дастури таркибида бажарилувчи, улар билан ишлашни осонлаштирувчи дастурний кодлар яратиш жараёни кўриб чиқилган.

Ушбу **битириув малакавий иш тузилиши** мантиқан боғланган кириш, икки боб, олти параграф, хulosса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

# I. БОБ. VISUAL BASIC FOR APPLICATION ДАСТУРЛАШ МУХИТИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ

## 1.1. Microsoft Office дастурларида макрослар билан ишлаш.

VBA(**Visual Basic for Application**) - бу ном Microsoft компанияси томонидан Office дастурларининг дастурлаш тилига берилган номдир. VBA, шунингдек, бошқа ишлаб чиқарувчилар учун ҳам яроқли бўлиб, улар бу тилдан ўз дастурларида фойдаланишлари мумкин. VBA ва Visual Basic нинг автоном ишловчи версиялари орасидаги фарқни билиш учун икки ташкил этувчини фарқлаш керак[3,6]:

1. Visual Basic тилининг негизи.

Объектлар, яъни тугма, рўйхатлар дарчаси ва **Active X** бошқарув элементлариdir. VBA да ҳам, Visual Basic нинг автоном ишловчи версиясида ҳам тил негизи (асоси) ўзгармайди. Шу билан бир вақтда бу тил- бу объектлар тўплами бўлиб, уларнинг таркиби ўзгариб туради. VBA билан ишлаш имкони бўлган дастурда ўзига хос дастур объектлари бўлади ва улардан фойдаланувчи ўз кодида фойдаланиши мумкин.

Мисол учун, Wordda **Dosument** (Хужжат) ва **Paragraph** (Абзац) объектлари бор. Бу объектлар билан ишлашни ўрганиб олган бўлсангиз, VBA коди ёрдамида бу объектлар билан ишлаш имконига эга бўласиз.

Шуниси эътиборга лойиқки, системада Office дастури ўрнатилган бўлса, Office дастурларининг исталган элементи учун VBA кодини ёзиш мумкин. Масалан, Excelda ёзилган VBA кодини Word учун ёки Visual Basic автоном дастурида ёзилган коддан Office дастурининг исталган элементида фойдаланиш мумкин.

VBA да Visual Basicнинг автоном версиясидагига ўхшаш матн муҳаррири ва созлагич (отладчик) бор, лекин бу элементлар ўз имкониятлари бўйича бир нечта чеклашларга эга. VBA да кодни автоном EXE – файлгача компиляция қилиш имконияти йўқ, бундан ташқари, VBA (native code) процессорнинг бевосита йўриқномасигача қадар компиляция қила олмайди.


Шу билан бирга VBA да **Data** бошқариш элементи ҳам йўқ. Лекин маълумот базалари орқали “соф” VBA коди билан ишлаш имкони бор.

VBA нинг ноёб имконияти ҳам бор. Дастур тузишни макрослар ёзишдан бошлишингиз мумкин, яъни Office сиз учун код ёзади.

VBA Excel, Word, Access ва Power Point дастурларининг бир қисми ҳисобланади. OutLook дастури эса Visual Basic нинг бошқа, имконияти камроқ **Vbceript** версиясидан фойдаланади[16].

VBA ни ўрнатиш.VBA Office дастурларини ўрнатишганда автоматик тарзда ўрнатилади. Лекин VBA нинг маълумотномаси ўрнатилмайди. VBA да дастур тузиш жараённида маълумотнома зарур бўлиши мумкин. Шу билан бирга VBA билан ишлашда ахборотлар базаси билан ишлаш имконини берувчи объектларни ўрнатиш зарурияти ҳам юзага келиши мумкин.

**VBA компонентларини ўрнатиш.** VBA маълумотномаси файлларини ўрнатиш учун Office ни ўрнатиш дастурини ишга тушуриш лозим. “Добавить (Удалит компоненти)” (Add/ Remove components) Word, Excel ва PowerPoint буйруғини танлаб, “Справка и файлы примеров” (Help files and samples) сатрини белгиланг. Access учун “Справка по программированию” (Programming Help) сатрини белгилаш лозим(1.1-расм). Ҳар бир дастур ўз объектлари учун маълумотнома ўрнатади, шу билан бирга маълумотнома файллари турличадир.



1.1 -расм

Агар сизда ахборотлар базалари билан ишловчи код ёзиш зарурати юзага келса, Visual Basic учун ахборотлар базаси билан ишлаш имконини

берувчи объектларни (Data Access Objects For Visual Basic) ўрнатиш зарур. Бунинг учун Office ни ўрнатиш дастурининг “Доступ к данным” Data Access бўлимини белгилаш зарур.

VBA дастурлаш воситалари. VBA ўзининг дастурлаш муҳитига эга. У Office нинг барча дастурлари учун бир хил.

VBA маълумотномаси катта ҳажмни эгаллади. Word ва Excel сизга маълумотноманинг фақат энг зарур элементларини ўрнатиш учун зарур. Мисол учун, Word ва Excel га бу маълумотнома зарур, Power Point учун эса иккиламчи восита ҳисобланади.

VBA маълумотномаси файллари катта ҳажмни эгаллади. Word ва Excel сизга маълумотноманинг фақат энг зарур элементларини ўрнатиш учун зарур. Мисол учун, Word ва Excel га бу маълумотнома зарур, Power Point учун эса иккиламчи восита ҳисобланади.

VBA ни ишга туширишнинг бошқа бир усули менюдан Вид>Макрос>Макросы (Tools>Macro>Macros) ни танлаш ва “Edit” (Таҳрир) тугмасини босиш ёки Create (“Яратиш”) тугмачасини босиб, янги макрос ёзишни бошлашдир.

VBA дастурлар муҳити мустақил (автоном) дастур каби ишлайди ва автоном Visual Basic га кўп жиҳатдан ўхшаш. Visual Basic ва VBA да эквивалент тугмалар бир-бирига тўғри келади. Масалан, дастурни ишга тушириш учун F5 тугмасини босиш етарли.

## **1.2. Microsoft Excel билан ишлашда VBA нинг функционал имкониятлари.**

Microsoft Excel жадвал муҳаррири қўйидаги масалаларни ҳал этишга мўлжалланган[3]:

- ўрнатилган формулалар, функциялар, макрослар ва бошқалар ёрдамида жадвал катталикларни киритиш ва улар устида амаллар бажариш;
- маълумотни бошқариш ва таҳлил этиш (якуний ва оралиқ маълумотларни автоматик ҳисоб -китоб қилиш, маълумотларни

тузилмалаштириш ва бирлаштириш, якуний жадвал ва ҳисботлардан фойдаланиш ва хаказо);

- турли манбалардан (хаттоғи OLAP маълумотлар базасидан) зарурий маълумотларни импорт қилиш ва кейинчалик ишлов бериш. XML – шаклда қўллаб-қувватлаш;
- график объект ва диаграммалар билан ишлаш;
- Lotus Notes дастури билан ҳамкорликда ишлаш ва маълумот алмашиш. Бундан ташқари бошқа дастурий маҳсулотлар билан интеграциялашув (“Галактика”, “1С ва бошқалар”);
- интернетда ишлаш (веб-саҳифадаги маълумотни ўзгаришиш, Microsoft Excel маълумотларини интернетга жойлаштириш, веб-файлларни қўллаб-қувватлаш ва гипермурожаат ва бошқалар);
- бошқа дастурлар (Word, Power Point, Access ва бошқа) билан ҳамкорликда маълумотларга мурожаатни амалга ошириш;
- турли кўринишдаги: аналитик, якуний, график, диаграмма кўринишидаги ҳисботларни шакллантириш;
- Microsoft Office стандарт функцияларни бажариш: хужжатни чоп этиш, маълумотни излаш ва уни алмаштириш, хатоликлар мавжудлигини текшириш, маълумотларни ҳимоялаш ва бошқалар;
- VBA дастурлаш тилини қўллаш ёрдамида иловалар яратиш.

Юқорида санаб ўтилган бандларнинг иккинчисига эътибор берилса, макрос деган термин ишлатилмоқда.

Олдинги параграфларда таъкидланганидек, макрос – бу фойдаланувчи томонидан ёзилган ишлар кетма-кетлигини ўз ичига олган макробўйруқлардир. Ёзиш Microsoft Office пакетига ўрнатилган VBA (Visual Basic for Application)- дастурлаш тилида амалга оширилади[4].

Маълумки, бир хил ишни такрор-такрор бажариш инсонларнинг асабига тегади. Шунинг Excel электрон жадвал билан ишлаш вақтида тез-тез такрорланувчи буйруқлар кетма-кетлиги бўладиган бўлса, уни дарров макрос кўринишида ёзиб қўйиш мақсадга мувофиқ. Яна ҳам яхшироқ бўлган бўлар

эди, агар фойдаланувчи қандайдир янги буйруқлар кетма-кетлигини кейинчалик ҳам бир неча марта ишлатиш мумкинлиги билса, биринчи учраганда макрос сифатида ёзиб қўйилиши ишнинг самарадорлигини оширади. Кейинги сафар макросдан фойдаланиб кетилаверади.

Одатда, макрослардан қўлланиш вазифасига нисбатан фойдаланиш самарали, аммо ёзилган макрос дастурний кодини VBA да дастурлашни ўрганишни бошлаш учун мисол сифатида фойдаланиш тўғри эмас. Сабаби бир неча макрослар ёзгандан сўнг, фойдаланувчидаги уларни янада такомиллаштириш ва янада эгилувчан қилиш истаги пайдо бўлади. Натижада VBA ёрдамида макросларга озроқ “интеллект” қўшиб янада такомиллаштириш мумкин ва уларни ҳолатга боғлиқ ҳолда турли ишларни бажаришга мажбур қилиш мумкин.

Энди эса VBA имкониятлари билан танишиб чиқайлик.

Иловаларга юқори даражада интеграциялашуви хисобига VBA тили дастурчига ўзига хос масалаларни ечишда Microsoft Officенинг мавжуд имкониятларидан фойдаланиш учун шароит яратиб беради. Шу билан бирга VBA ушбу пакет иловаларига янги имкониятлар қўшиш орқали улар билан ишлашда уларнинг функционаллиги ва қулайлигини оширади.

Excelда қўллаш жиҳатидан дастурига VBA да қўйидаги вазифаларни бажариш мумкин:

- ўзига хос ҳисоб-китобларни бажарувчи функцияларни қўшади;
- жадвалга маълумотларни киритишни тезлатади;
- фойдаланувчи тез-тез бажарадиган типик ишларни автоматлаштиради;
- мавжуд инструментлар панели асосида янги вазифаларни бажарувчи янги буйруқлар менюсини яратади;
- маълумотларнинг қўргазмалигини оширади (мисол учун катакларни турли рангларга бўяш орқали);
- катта ҳажмдаги маълумотларни ишлашни автоматлаштиради;

- катта ҳажмдаги бирламчи маълумотлардан берилган ахборотни танлаш билан боғлиқ бўлган турли кўринишдаги хисоботларни, бланкалар ва бошқа ишларни яратишни автоматлаштиради.

Юқоридаги ишларни амалга ошириш учун VBAда кўп бўлмаган етарлича содда дастурий кодларни ёзиш зарур бўлади[5,13].

VBA лойиха муҳарририда учта дарча очилади: юқори чап дарча – лойиха тузиш дарчаси (Project), пастки чап дарча - хоссалар дарчаси (Properties) ва ўнг томондаги дарча - дастурий модуллар матни дарчаси.

Project (Лойиха) дарчаси ёрдамида лойиха тузилишини кўриб чиқиш, лойиха элементларини қўшиш ва йўқотиш, модуль тартибини таҳрирлаш учун (мос модуль нишонига икки марта чертиш орқали) очиш мумкин.

Properties (хоссалар) дарчаси лойиҳанинг ажратилган элементлари хоссасини бериш учун ишлатилади.

Умуман олганда, Microsoft Excelда VBA лойиха қуидаги элементларни ўз ичига олади:

- VBAнинг стандарт модуллари;
- синф модуллари;
- ишчи китоблар модуллари;
- ишчи варақлар модуллари;
- диаграммалар модуллари;
- формалар.

VBAнинг стандарт модуллари – улар лойиха элементлари бўлиб, бевосита лойиҳанинг бошқа элементлари билан ишлатилувчи дастурий кодни ўз ичига олади(глобал функциялар, ўзгарувчилар, ўзгармаслар ва ҳакоза). Лойиха тузилмалари дарчасида стандарт модуллар Modules йиғма жилдида гурухланади.

Одатда стандарт модулларда ишчи варақ ва ишчи китоб каби конкрет обьектларга боғланмаган дастурлар ёзилади. Айнан ушбу модулда кўпгина мисоллар ёзилади.

Синф модуллари –бу фойдаланувчи (дастурчи томонидан ишлаб чиқилган) синф ишини амалга оширувчи дастурий код ёзиладиган модуллар.

Ишчи китоб модули (Microsoft Excel Objects папкасидаги китоб) - бу ишчи китобни бошқариш(манипуляция қилиш) бўйича қўшимча имкониятлар амалга ошириладиган синфлар модули. Мазкур модулга ёзилган дастур бевосита ишчи китоб обьекти хосса ва усулларига мурожаат қиласди.

Ишчи китоб модулининг одатий синф модулидан фарқи шундаки , VBA даги дастурдан ишчи китоб обьекти экземпляри яратиб бўлмайди – у автоматик яратилади.

Ишчи варақ модули (Microsoft Excel Objects папкаси) – бу китобнинг берилган ишчи варақларини бошқариш бўйича қўшимча имкониятларни амалга оширувчи синф модулидир. Ушбу модулларда ёзилган дастурлар ишчи варақ обьектига хосса ва усуллари бевосита мурожаат қиласди. Бу ерда ҳам VBA даги дастур ёрдамида ишчи варақ обьекти экземпляри яратиш керак эмас – фақат бўш модулли янги ишчи варақ яратиш мумкин.

Диаграммалар модули (Microsoft Excel Objects)- бу ишчи китобнинг айрим варақларига чиқарилган диаграммаларни бошқариш (манипуляция қилиш) бўйича қўшимча имкониятларни амалга оширувчи синф модулидир. Диаграммалар модулининг ўзига хослиги ишчи варақ модули ўзига хослиги билан бир хил.

Форма (Forms папкаси) – бу VBA лойиха элементи бўлиб, у ёрдамида фойдаланувчи билан биргаликда кўрсатиш учун мулоқот дарчаси яратиш мумкин. Форма икки қисмдан иборат: форма модули ва форманинг ўзи (мулоқот дарчаси).

Форма модули - бу форма ҳолати амалга ошириладиган синф модулидир. Ушбу модулни ишлатиш одатий синф модули кабидир. Форма модулини очиш учун Project (Лойиха) дарчаси контекст менюсининг View Code (кодни кўриб чиқиш) банди ишлатилади.

Очилган форманинг хоссасини ўзгартириш учун Properties(Хоссалар) дарчасидан фойдаланилади. Toolbox (Инструментлар панели) дарчасида

формага қўшиладиган бошқариш элементларини танлаш мумкин. Бошқаришнинг ихтиёрий элементини қўшгандан сўнг, унга икки марта чертиш билан форма модулидаги мос кодни таҳирлашга ўтиш мумкин.

### **1.3. Макрос ёзишнинг дастлабки қадамлари ва массивлар билан ишлаш.**


**Excel да макрос ёзиш.** Айрим VBA-иловалар –улар ичida Microsoft Word, Excel ва Power Point лар макросларни ёзиш воситасига эга бўлиб, унинг ишлаши оддий магнитофон ишлашини эслатади. Макросни ёзиш воситаси улагандан сўнг у барча буйруқларни то ёзишни тўхтатиш тугмачасини чertмагунча ёзib боради. Макрос ёзилгандан сўнг унда ёзилган буйруқлардан, керак бўлиб қолганда қайта фойдаланишингиз мумкин.

Макрос сўзи катта деган маънони англатади. Яъни унча катта бўлмаган буйруқларни битта катта буйруққа бирлаштириш деган маънони англатади. Макрос – VBA-дастурлар учун яна бир номдир. Макросларни ёзиш воситаси ўзининг иш вактида фойдаланувчи фойдаланадиган ҳар бир буйруқни VBA нинг дастурий кодига ўгради. Тугалланган макрос VBA процедураси сифатида сақлайди. Бизга маълумки, процедура – бажарилиши учун номи билан чақириладиган VBA дастурий кодининг бир бирлиги.

Макрос Accessда ҳам, VBAда ҳам мавжуд бўлиб, Accessда улар VBA-дастури эмас.

Excelda макрос ёзиш учун Excel ишга туширилгач, янги иш китоби очилганлигини текширинг. Сўнгра менюдан Вид>Макросы ни танласак, жадвалнинг ўнг юқори бўрчагида қўйидаги - расмдаги тасвир пайдо бўлади.

Агар янги макроснинг кодини ёзмоқчи бўлсақ, Макросы дарchasига кириш зарур ва Имя макроса сатрига макрос номини киритиш керак. Шундан сўнг мазкур дарчанинг ўнг томонидаги Создать тугмаси фаоллашади. Ушбу ишни ALT+F8 клавишлари ёрдамида ҳам бажариш мумкин.



## 1.2-расм.

2. Макросга ном қўйишида қўйидаги қоидаларга риоя қилиш лозим:

Макрос номи рақамлар билан эмас, балки ҳарф билан бошланиши зарур. Биринчи ҳарфдан сўнг рақам кетиши мумкин.

Макрос номи очик жой (пробел) га эга бўлмаслиги зарур. Сўзларни ажратиши учун сўзнинг биринчи ҳарфини катта ҳарф билан бошлаш лозим.

Макрос номида тиниш белгиларни ишлатиш хам ман этилади. Агар улар ишлатилган бўлса VBA Invalid procedure name маълумотини чиқаради.

Запис макроса мулоқот даражаси турли опцияларга эга. Қўйидаги айримлари билан танишамиз


Макрос ёзувини тўлигича киритиш учун жой бўлиши мумкин.

Макросни сақлаш жойини аниқлаш учун вариантлар бўлади. Одатда макросни мазкур хужжатнинг ўзида ёки хужжат шаблонида сақлаш таклиф этилади.

Ускуналар панелида тугмачага макрос бириттириш ёки унга тугмалар комбинациясини белгилаш таклиф этилади. Агар фойдаланувчи иловаси ушбу опцияларни қўзда тутса, иккиланмасдан ундан фойдаланиш мақсадга мувоғик.

Пайдо бўлган мулоқот дарчасида макрос номини ёзинг, масалан, “Макрос”(1.3-расм). “Находится в” рўйхатида “Эта книга” сатри


танланганлигини текшириб кўринг ва ОК ни босинг. VBA да дастурлашни бошлишнинг энг қулай йўли макрос ёзиш, яъни Visual Basic кодини ёзишдир.




### 1.3-расм.

Агар ёзилган макрос барча очилган китобларга таъсир этишини хохласангиз, “Находится в” рўйхатидан “Все открытые книги” сатрини, агар факат биринчи китобга таъсир этишини хохласангиз “Книга1” сатрини танлаш мақсадга мувофиқ.

Агар Excel жадвалида бажариладиган амалларни макрос сифатида ёзиб қўйиш учун “Запись макроса” дарчасини очиш талаб этилади ( -расм). Бу дарча фаол ҳолатда бўлса, сизнинг Excel жадвалида бажарган барча ҳаракатингиз макрос сифатида ёзилади ( 1.4-расм).



#### 1.4-расм.




#### 1.5-расм

Масалан, қуйидаги жадвални (1.6 -расм)ни тузишни бошлайлик.

	A	B	C	D	E	F	G
1		1995	2000	2005	2010	2015	
2	1-dukon	456	568	789	256	894	
3	2-dukon	256	561	789	236	852	
4	3-dukon	567	741	852	258	693	
5							

### 1.6-расм

Жадвалда бажарилган барча ҳаракатлар макрос сифатида ёзилиб боради. Агар ушбу макросни қўрмоқчи бўлсак, Остановить запись сатрини танлаб макрос ёзиши тўхтатиш лозим (1.7 -расм). Шундан сўнг макрос тузилишини кўриш мумкин.( 1.8- расм)



### 1.7 -расм.

```

Sub Макрос1()
|
' Макрос1 Макрос
|
' Сочетание клавиш: Ctrl+r
|
    Range("A2").Select
    ActiveCell.FormulaR1C1 = "1-dukon"
    Range("A3").Select
    ActiveCell.FormulaR1C1 = "2-dukon"
    Range("A4").Select
    ActiveCell.FormulaR1C1 = "3-dukon"
    Range("B1").Select
    ActiveCell.FormulaR1C1 = "1995"
    Range("C1").Select
    ActiveCell.FormulaR1C1 = "2000"
    Range("D1").Select
    ActiveCell.FormulaR1C1 = "2005"
    Range("E1").Select
    ActiveCell.FormulaR1C1 = "2010"
    Range("F1").Select
    ActiveCell.FormulaR1C1 = "2015"
    Range("B2").Select
    ActiveCell.FormulaR1C1 = "456"
    Range("C2").Select
    ActiveCell.FormulaR1C1 = "568"
    Range("D2").Select
    ActiveCell.FormulaR1C1 = "789"

```

## 1.8-расм.

Ушбу макрос бажарилишини текшириб кўрмоқчи бўлсангиз, очилган ишчи китобингизни ёпиб, Вид > Макросы менюсига киринг “Макрос открыть” номини танланг ва “Выполнить” тугмасини босинг. Юъоридаги жадвални тузиш яна бошқатдан бошланади. Макрос ёзиш жараёнида макроснинг каерда сақланаётганлигига эътибор берилиши лозим. Макрос ишга тушиши учун макрос ёзилган китоб ишга туширилган бўлиши зарур. Макросни исталган вақтда ишга тушириш учун эса уни “Личная книга макросов”. Макрослар шахсий китобида сақлаш лозим.

Ўзингиз яратган макросни кўриш учун, макрос ёзилган китобнинг очиклигини текширинг ва сўнгра макрослар рўйхатни очиш учун Вид Макросы ни танланг ва зарурий макросни танлаб, уни ўзгартириш учун “Изменить” тугмасини босиш етарли.

Visual Basic энди очик ҳолда, унинг ойнасида эса сизнинг “Макрос1» номли макросингиз турибди. Макрос кодининг юқори қисмига эътибор берсак, ушбу макросни автоматик тарзда бажариш учун CTRL+r тутгмаларини Фойдаланувчи макрос кодини ўзгартириши ёки янги йўриқномалар ёзиб, макросни кенгайтириши мумкин.

Масалан, макросга қуидаги кодни ёзсангиз, Excel биринчи катаакка бугунги санани ёзади:

Active Sheet. Cells (1,1). Value = Str\$ (Now)

Бошқа ишчи китобни очиш учун кодни осонликча ўзгартиришингиз мумкин. Кодни бу тарзда, яъни қўлда таҳрир қилиш имкони билан ёзиш катта имкониятларга эга.


**Автоматик тарзда бажарилувчи макрослар.** Бирорта хужжат очилганда ёки маълум бир ҳаракатга жавоб тариқасида бажарилиши мумкин бўлган макрос яратишингиз мумкин. Қўйида ана шундай макрос яратишга мисол келтирилган .

Excel ишчи китобини ишга туширишга жавоб тариқасида бажарилувчи макросни тузиш учун қуидаги ишларни кетма-кет амалга ошириш зарур.

1. Excel ишчи китобларидан бирортасини очинг ёки янгисини яратинг. Visual Basic муҳарририни очинг. Агар лойиҳа ойнаси очилмаган бўлса “Вид” (View) менюсидан “Окно проекта” (Project Explorer) сатрини танланг. Лойиҳа ойнасида This Workbook сатрини топинг ва ўнг босинг. қалқиб чиқувчи менюдан “Программа” (View code) сатрини танланг.

2. Чап рўйхатдан Workbook сатрини танланг. Ўнг томондаги рўйхатда Open (Открыть) ҳодисаси кўрсатилганлигини текшириб кўринг, кейин эса исталган кодни, мисол учун, ташаккур эълон қилувчи панель кодини ёзишингиз мумкин.

```
Private SuB WorkBook – Open  
    MsgBook (“Ушбу китобни очганингиз учун ташакур”)  
End SuB
```



### 1.9-расм.

Word хужжатлари ҳам Open ҳодисасига эга. Рўйхатда кўрсатилган бошқа кўпгина ҳодисалар учун ҳам код ёзишингиз мумкин.

3. Visual Basic муҳарририни ёпинг ва ишчи китобни сақланг. Сўнгра уни очинг, китоб очилиши билан код ишга тушади ва ташаккур эълон қилинган панел пайдо бўлади. Бундан ташқари, вақтни, санани кўрсатувчи ёки глобал ўзгарувчиларнинг бошланғич қийматларини кўрсатувчи код ёзиш мумкин.

Сиз макросга эга хужжатни очаётганингизда огоҳлантирувчи панель пайдо бўлади. Бу мулоқот дарчасини макровируслардан ҳимояланишга имкон беради. Агар сиз ишчи китобни ва макросни ўзингиз яратган бўлсангиз ёки улар олинган манбага ишончигиз комил бўлса, бу огоҳлантирувчи мулоқот дарчасини бекор қилингиз мумкин. Лойиха дарчаси хақида батафсилроқ тўхталсақ, Visual Basic For Application нинг лойиҳалар дарчаси (Project Explorer) сиз яратган шакл ва кодлар қаерда сақланаётганлигини кўрсатади ҳамда уларни таҳрирлаш учун очиш имконини беради. Office матнидаги Visual Basic коди ва шакллари хужжатларда ёки андозаларда сақланади. Яъни Office дастурларида яратилган хужжатларни VBA маҳсули деб аташ мумкин. Сиз Office хужжатларини ёки андозаларини сақлаш жараёнида улардан Visual Basic элементларини ҳам сақлайсиз.

Лойиҳалар дарчасининг кай тарзда ишлашини билиб олиш учун уни амалда синаб кўрган маъкул.

“Объект” (Object) тугмасини объектни қўриш учун босинг

Танланган объект кодини очиш учун “Программа” (View Code) тугмасини босиш кифоя. Танланган ишчи варак ёки китобни икки марта босинг ёки Open (очиш) ёки Change (Алмаштириш) ҳодисаларига жавоб тариkasida бажарилувчи код ёзиш учун “Программа” (View Code) тугмани босинг. Папкалар шаклида ташкил қилинган лойихаларни кўриш учун “Папка” (Folder) тугмасини босинг.

Excelда очиладиган хар бир ҳужжат лойиха ҳисобланади. Макрослар шахсий китоби ҳам шу ерда кўрсатилган.

Модуллар функциялар, кетма-кетликлар ёки глобал ўзгарувчилар қийматлари кодига эга бўлиши мумкин

**Wordда лойиха ойнаси.** Word лойиха ойнаси Excel лойиха ойнасига ўхшашидир. Лекин ўзига хос маълум фарқлари ҳам бор. Масалан, Word лойихасида Normal андозаси бор. Ундан ташқари, бу ерда мурожаат ҳисоби бошқа усулда ташкил этилган. Normal андозаси коди ва шаклини хар қандай ҳужжатга қўллаш мумкин. VBA га мурожаатлар Visual Basic автоном версиясидаги каби ишлайди.


**VBA да катаклар қийматларини ёзиш .** Excel да Visual Basic билан ишлаш жараёнида кўпинча катакларга қиймат беришингизга тўғри келади. Қуйида келтирилган мисолда ишчи китобга қиймат ва формула ёзиш тартиби келтирилган.

куйидаги

бажариш зарур:

Бунинг учун


ишларни



## 1.10-расм

1. Янги китоб яратинг ва Visual Basic муҳарририни очинг. “Вид” (View) менюсидан “Окно проекта” (Project Explorer) сатрини танланг. Лойиҳани Сичқонча ўнг тугмаси ёрдамида босинг ва контекст менюдан Вставить > Модуль (Insert>Module) сатрини танланг. Бу модуль лойиҳа дарчасида модуль 1 (Module 1) номи билан чиқади.

2. Код муҳаррири автомат тарзда очилади. Янги тартиб (процедура) яратиш учун Insert менюсида Procedure (Процедура) сатрини танлашингиз мумкин эди, лекин энг қулай йўли Sub WriteCells ни муҳаррирга ёзишdir. Enter тугмасини боссангиз,



## 1.11-расм

VBA End Sub операторини автоматик тарзда ёзиб қўяди. Ҳозиргина WriteCells номи билан бўш макрос яратдингиз. Унинг кодини ёзамиз:

With Active Sheet

.Cells (1,1) . Value = “Янв-Мар”

.Cells (1,2) . Value = 123

.Cells (2,1) . Value = “Апр-Июн”

```
.Cells (2,2) . Value = 456  
.Cells (4,1) . Value = "Жами"  
.Cells (4,2) . Value = " = Sum (B1...B2)"
```

End With

Номланган оралиқ – VBA кодида ячейкаларни белгилашнинг қулай усулидир. Мисол учун, агар сизни “Totalval” оралиғи кизиктирса, кодда бу оралиқка Range (“Totalval”) номли мурожаатларини бериш мумкин. Excel да формула ёзишда, формулани оддий матндан фарқлаш учун “=” дан фойдаланиш зарур.


3. Макрос ишга туширилгач, автоматик тарзда Excel да код ичига ёзилган қийматлар пайдо бўлади.
4. Макросни ишга туширинг ва Word хужжатини текшириб кўринг. Матн автоматик киритилган эканлигини кўриш мумкин.

Фойдаланувчи макросни ёки Visual Basic муҳарриридан, ёки бевосита Word хужжатидан ишга туширишингиз мумкин, бунинг учун Word нинг Вид>Макросы менюсидан фойдаланиш зарур.

- Word да мулоқот дарчаси яратиш ва ундан фойдаланиш.
- Мазкур лойиҳадан максад, макросни тузиш бўлиб, у иккита андозадан бири асосида янги хужжат яратади.
1. Word да янги хужжат яратинг ва Visual Basic муҳарририни очинг. Янги хужжат билан боғлиқ лойиҳа дарчасига келиб сичқончасанинг ўнг тутмасини босинг ва менюдан Insert>UserForm ни танланг.

Жавоб тариқасида янги шакл очилади ва асбоблар панели пайдо бўлади.

Агар сиз макросдан муңтазам фойдалансангиз, уни хужжатда эмас, балки Normal.dot андозасида сақлаган маъқул. Тажриба тариқасида яратилган макросларни эса хужжатнинг сўзлари сифатида сақлаш мақсадга мувофиқ.



### 1.12 -расм.

Шаклни Visual Basic нинг автоном версиясида ишлайдиган қилиб яратиш учун - расмда кўрсатилган тарзда шаклга қайта улагич тугма ва иккита сарлавҳали тугма жойлаштириш лозим. Юқорида қайта улагич тугманинг Value хусусиятини True ҳолатига ўтказиш зарур. “OK” тугмачаси учун Default, “Отмена” тугмаси учун эса юқорида кўрсаткичини True ҳолатига ўтказиш керак. Enter ёки Escape клавишилари босилгандан мулоқотнинг қандай ишлашини ҳодисани Default ва Cancel тутмалари белгилайди. Шакл код мұхарририни очиш учун икки марта босинг ва чап томондаги рўйхатдан “Умумий соҳа” (General) сатрини танлаш мақсадга мувофиқ. Ўнг томондаги рўйхатдан “Тавсиф” (Declarations) сатрини танлаб, код мұхарририни очиб қуидаги кодни ёзинг:

```
Public DocOption As Integer
```

Бу ўзгарувчи фойдаланувчи томонидан мулокотда танлаш натижаси қийматини сақлады.

“OK” тугмасининг Click (Босиш) ҳодисаси учун код мухарририни очинг ва қуйидаги кодни ёзинг:

```
If Option Button 1. Value = True Then  
    User Form 1. DocOption = 1  
ElseIf OptionButton 2. Value = True Then  
    UserForm 1. DocOption = 2  
Else  
    UserForm 1. DocOption = 0  
End If  
Me. Hide
```

“Отмена” тугмачасини икки марта босинг ва ягона сатрни киритинг:

```
Me. Hide.
```

Сўнгра лойихага модуль қуйинг ва агар бор бўлса, уни очинг.

Код мухарририни очинг ва қуйидаги кодни ёзинг:

```
SuB DocStart ()  
UserForm 1. Show  
Select, Case UserForm 2. Doc Option  
Case1 стандарт, документ  
Document Add Normal. DOT фойдаланади  
Case 2 Документ письмо
```


```
Documents. Add Template:= "C:\Programm Files\Microsoft
Office\Шаблоны \ письма и факсы\ Стандартное письмо. dot\"
```

```
End Select
```

```
End SuB
```

Тизимда Wordнинг ўрнатилган жойига караб, андоза йўлини ва номини тўғри кўрсатишингиз керак

Visual Basic ни ёпинг ва Wordга кайтинг. Кейин DocStart макросини ишга туширинг, у янги танланган андоза асосида хужжат яратади.



### 1.13-расм.

Дастурлаш жараёнида кўпинча бир хил мазмун ва типга эга бўлган катта микдордаги маълумотлар билан ишлишга тўғри келади. Бундай маълумотларни сақлаш учун одатда массивлардан фойдаланилади. Массив –

бир хил типда қийматлар түплами бўлиб, улар битта ўзгарувчига бирлаштирилган[7-9].

VBA да массивлардан фойдаланиш учун имконият етарли даражада. Массивларни эълон қилиш учун қуидаги кўрсатмадан фойдаланилади:

**Public | Private** массив номи ([Ўлчами]) [**As** тип номи] [,Массив номи ([Ўлчами]) [**As** тип номи] ...  
ёки

**Dim | Static** Массив номи ([Ўлчами]) [**As** тип номи] [,Массив номи ([Ўлчами]) [**As** тип номи] ...

Биринчи кўрсатма массивни модул даражасида, иккинчи кўрсатма эса массивни процедура ёки функцияда эълон қилишида ишлатилади.

Массивни эълон қилишнинг оддий ўзгарувчини эълон қилишдан фарқи шундаки, бу ерда ўзгарувчи идентификатордан кейин массив ўлчами кўрсатилиши лозим. Агар ўлчами кўрсатилмаган бўлса, динамик массив яратилиб, ўлчами дастур бажарилиши давомида ўзгартирилиши мумкин. Динамик массивлар учун эълон қилиш кўрсатмаси формал қўринишида бўлади, яъни массивни ишлатиш учун **ReDim** кўрсатмаси орқали қайта эълон қилиш зарур бўлади.

Ўлчами кўрсатиш учун унинг қуидаги шаклларидан фойдаланиши лозим.

*Куий чегара To Юқори чегара | Элементлар сони -|,*

*Куий чегара To Юқори чегара | Элементлари сони*

VBA да ўлчамлари сони 60 дан ошмаган кўп ўлчовли массивлар яратишига рухsat этилган. Ўлчов ўлчами вергул билан ажратилади. *Куий чегара To Юқори чегара* кўринишида массив ўлчами берилишида қуий ва юқори чегара аниқ кўрсатилиши лозим. (мисол учун 20 **To** 100). Массив ўлчамини беришда массивнинг берилган ўлчовида элементлар сони кўрсатилиши ҳам мумкин. Бундай берилишда қуий чегара сифатида жимжитликдаги қиймат ишлатилади. Қуида массивни эълон қилишга мисол келтирилган.

**Dim avarValues ()**

**Dim astrValues (1 To 10) As String, astrValues2(10) As String.**

**Dim aintValues (1 To 10) As Integer, aintValues (10,3) As Integer**

Жимжитлиқда массив ўлчамининг қуи чегарасини эълон қилиш учун **Option Base** директиваси ишлатилади.

### **Option Base 0**

ёки

### **Option Base 1**

VBA да динамик массив ўлчами дастур ишлаш вақтида ўзгартириш мумкин. Бунинг учун **ReDim** кўрсатмасидан фойдаланилади.

**ReDim [Preserve]** Массив номи ([Ўлчами]) [**As** тип номи] [,Массив номи ([Ўлчами]) [**As** тип номи] ...

Ушбу кўрсатма элементлари вазифаси **Dim** кўрсатмаси элементлари вазифаси билан бир хил. Массив элементлари типини, агар массив номи – **Variant** типидаги ўзгарувчи идентификатори бўлганда ишлатилиши мумкин. Мисоллар

**ReDim astrValues (1 To 10) aintValues (10,20)**

**ReDim varArray (2 To 4) As Boolean**

**Preserve** да массив элементлари қийматини йўқотмасдан масств ўлчови ўзгартиришда фойдаланиш мумкин. Аммо ушбу калит сўздан фойдаланишда эҳтиёт бўлиш талаб этилади.

Қўйида **ReDim** кўрсатмаси **Preserve** калит сўзи билан биргалиқда ишлашига доир мисоллар келтирамиз.

**ReDim astrValues (1 To 5, 1 To 10)**

Массив ўлчами камайтириш

**ReDim Preserve astrValues (1 To 5, 1 To 15)**

VBA да массивларнинг қуи чегарасини ихтиёрий қилиб белгилаш мумкин. Чунки дастур ишлаш вақтида массивнинг қуи чегарасини билиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун VBA да икки функция киритилган бўлиб, уларнинг формати қуйидагича:

**LBound** (Массив номи [, ўлчам рақами])

**RBound** (Массив номи [, ўлчам рақами])

Массив элементларига мурожаат учун VBA да ушбу элемент рақами ўзгарувчи массив идентификаторидан кейин қавс ичида бериш лозим. Агар бир нечта элементларига мурожаат қилинса, рақамлар вергул билан ажратилади.

### **Мисол.**

```
Int Num = aint|Values (16)
```

```
intNum= aintValurs (3,5,17)
```

VBA тилидаги маълумотларнинг универсал типи учун ишлатиладиган **Variant** дан массивлар билан ишлашда ҳам фойдаланиш мумкин/

### **Мисол.**

```
Dim aintValues (1 To 5) As integer
```

```
Dim varArray
```

```
varArray=aintValues
```

```
varArray (1)=1
```

```
varArray (2)=20
```

```
var Array (3)=17
```

VBA да массив қийматини тез тўлдириш имконияти мавжуд. Ушбу имконият **Array** функцияси ёрдамида амалга оширилади. Унинг формати қуидагича:

**Array** (элементлар рўйхати)

Функция аргументи сифатида вергул билан ажратилган қийматлар рўйхатини қабул қиласи. Мазкур функция **Variant** типидаги ўзгарувчида сақланувчи берилган қийматлар билан тўлдирилган массивни қайтаради. Кўйида **Array** функциясидан фойдаланишга доир мисол келтирилган.


```
varArray= Array(5,6,14,58,63)
```

## II.БОБ. VBA ОБЪЕКТЛАР ИЕРАРХИЯСИ, ФАЙЛЛАР БИЛАН ИШЛАШ ВАЙҚУВ ЭФФЕКТЛАРИ ҲАМДА ТРЮКЛАРИ ЯРАТИШ АМАЛИЁТИ

### 2.1. VBA да дастурний код ёзишнинг объектлар иерархияси

Microsoft Office дастурлари учун VBA код ёзиш учун объектлари иерархияси түғрисида маълумотга эга бўлиш керак. Қуидан биз Excel электрон жадвали объектлар иерархияси билан танишиб чиқамиз[10,21,22,23].

Excel объектлари иерархиясининг энг юқорида Application (илова) обьекти бўлиб, у барча Excel дастурлари иш фаолияти учун жавоб беради(2.1-расм).



2.1-расм. Microsoft Excel обьектлар тузилмаси

Күпгина VBA дастурлари иш фаолиятини ошириш учун экранни янгилаш ўчириш лозим. Жимжитлиқда Excel VBA –коди бажарилиши жараёнида бажарилган ишчи китобдаги ҳар бир ўзгаришни тасвирлайди.

Бу эса ишлар бажарилиши тезлигини анчагина кескинлаштиради. Excelнинг ушбу иш режасини ўчириш учун Application Screen Updating (Экранни янгилаш) функциясидан фойдаланиш лозим.

### Application Screen Updating-False

Процедура охирида Screen Updating хоссаси учун True қийматини тиклашни унутмаслик керак. Акс ҳолда фойдаланувчи олинган натижани экранда кўрсатмайди. Screen Updating хоссасидан фойдаланишда Application обьектини аниқ кўрсатиш лозим. Аммо кўпгина ҳолларда Application обьекти хоссасини тўғридан-тўғри ишлатиш мумкин. Мисол учун, Application обьекти бўлган ActiveSheet хоссаси жорий моментда фаол бўлиб ишчи китоб ёки диаграмма тегишли бўлади. Кодда бундай вараққа мурожаат қилиш учун Application ActiveSheet ўрнига фақатгина ActiveSheet ишланмаси бўлади. Application обьекти бўлган Workbooks коллекциясида берилган моментда очиқ бўлган барча китобларни ўз ичига оладиган маълум бир ишчи китобни идентификациялаш учун унинг номини қўштириноқ ичida келтириш керак. Мисол учун, Workbooks (“Шартнома тўлови.xls”) Activate.

Албатта ишчи варақлар ҳам teng ҳуқуқли обьектлардир. Улар Worksheets коллекциясига тегишли бўлиб, улар ҳам ишчи китобни идентификациялаш каби идентификацияланади.

Worksheets (“Лист3”) ифода Лист3 номли варақни кўрсатмоқда. Бўлак варақда жойлашган диаграмма учун айрим олинган Chart обьекти Charts коллекциясига тегишли. Унга мурожаат Charts (“Parts Chart”) ифода ёрдамида амалга оширилади. Ишчи варақда фойдаланилган диаграммалар билан ишлаш бироз фарқ қиласди.

Ишчи китобларни тасвирлашни Window (Дарча) обьекти ёрдамида ўзгартириш мумкин. Айрим ҳолларда ишчи китоб тузилишини ўзгартиришда фойдаланиладиган Window обьектлари Application обьекти бўлган Windows

коллекцияси таркибига киради. Дарчага мурожаат қилиш уни ўзига олган ишчи китоб файл номини кўрсатиш орқали амалга оширилад.

Windows (“Тўлов эгри чизиги. xls”)

Агар битта ишчи китоб учун бир неча дарча очиқ турган бўлса, ишчи китоб номидан кейин “:” билан ажратилган дарча номери кўрсатилиши керак. Масалан, Windows (“Тўлов эгри чизиги. xls: 2”).

Excelда Cell (катақ) обьекти йўқ. Шунинг учун код ёзиш қуийдагича амалга оширилади: VBA кодида катакни кўрсатиш учун Range обьектидан фойдаланилади. Excelда Range обьекти бир ёки варақнинг узлуксиз соҳасининг бир қанча катакларни ўз ичига олиши мумкин. Excelда ёзилган дастурий код таъсир этувчи усуллари мавжуд. Ушбу мақсадга эришиш учун қуийдагилар ишлатилади.

**Катақка стандарт мурожаат.** Катақка A1 –усулида мурожаат қилиш Range обьектлари билан ишлаш усулининг энг содда усулидир. Диапазонни аниқлаш учун Range калит сўзидан кейин мурожаат қилинадиган диапазон кўштироқ ичига ёзилади.

Мисол учун: Active Sheet. Range (“B3”)

WorkSheets (“Sheet2”). Range (“M5:S20”)

**Номланган диапазонлар.** Агар ишчи варақлар номланган диапазонларга эга бўлса Range нинг VBA – обьектлари уларга таяниши мумкин, масалан: WorkSheets (“Молиявий ҳисобот”) Range (“Фоиз тўлови”). Дастурий коднинг ўзида диапазонни номлаш учун Name (номи) функциядан фойдаланилади. Range(“A3:B4”).Name = “Прайс-лист”

**Қисқа ёзув.** Range обьектларни тез-тез ишлатишда Excel диапазонни аниқлаш учун A1 усулида ёзишда ёки номни ишлатган ҳолда ёзишда Range калит сўзини ташлаб кетиш мумкин. Ушбу усулни амалга оширишда мурожаат қилинадиган катак ёки катаклар соҳаси квадрат қавс ичига олиши лозим.

Activesheet [“A1:F26”]

[“Чораклик хисоботи”]

**WorkSheets объектининг Cells хоссаси.** WorkSheets обьектига Cells хоссасида координаталар кўрсатилмасдан ишлатиш ушбу ишчи варақнинг барча катакларини ўз ичига олади. Application. Cells берилган вақтда фаол бўлиб турган варақнинг барча катакларига мурожаат қилинади. Агар бирмунча локал диапазондаги катакларга мурожаат қилиш керак бўлса Cells хоссаси учун сатр ва устунлар координаталарининг сонли қийматларини кўрсатиш талаб этилади. Мисол учун, Е3 катакни ўз ичига олган диапазонни кўрсатиш учун қўйидаги кодни киритиш зарур.

WorkSheets(“Тўлов варағи”). Cells (3,5)

**Selection (Ажратилган) хоссаси .** Агар дастурий код фойдаланувчи ажратган соҳагагина таъсир қилиши талаб қилинса Selection хоссасидан фойдаланилади.

**ActiveCells ( фаол катаклар) хоссаси.** Ушбу хосса берилган даражада фаол бўлган катаклар соҳасига мурожаат қилишда ишланади. Объект спецификаторисиз ишлатишда ActiveCells хоссаси фаол даражага мурожаат қиласди. Value StorageBin= ActiveCells. Value

**Worksheet обьектининг Rows (сатрлар) ёки Columns (устунлар) хоссаси** номери кўрсатилган устун ёки сатрнинг барча элементларига мурожаатни амалга оширади. Мисол учун.

Workbooks (“IOU.xls”).Worksheets (“Sheet Shootout”). Column(5).

Фойдаланувчи томонидан аниқланган обьектларга мурожаат қилишда, диапазон обьект бўлганилиги учун дастлаб унга ном қўйиб, кейинчалик ўшаном билан мурожаат қилиш мумкин. Мисол учун.

DIM RanGer As Range

Set RanGer = Worksheets (“Лист1”). Range (“B12:H13”)

Диапазон (соҳа) хоссасидан фойдаланиб, бир ҳаракат билан бутун бир соҳа характеристикасини ўзгаририш мумкин. Қўйидаги сатр билан берилган диапазондаги катакларда жойлашган матнни шрифтини ўзгаририш мумкин.

Worksheets(“Лист1”). Range (“B12H13”). Font. Sife=14

Албатта , бу ерда With тузилмани ишлатиш мақсадга мувофиқ . Чунки ушбу тузилма билан бир неча хоссалар ёки бутун диапазон билан ишлаганда мақсадга мувофиқ

With SomeRange

```
.Value=20  
.Font.Name =”Garamond”  
.Font.Italic=True  
.Locked =True
```

SomeRange =.Name

End With.

Диапазоннинг айрим катаклари билан ишлашда Excelда бир ҳаракат билан кўп катакли соҳада мавжуд бўлган қийматларни ўзгартериш усули йўқ. Шу сабабли соҳадаги барча катакларни цикл оператори билан кўриб чиқиши мумкин, яъни For Each..., Next ушбу техникани қўллашда соҳадан катаклар сонини билиш ҳам шарт эмас. Масалан.

For Each aCell In Selection

```
aCell.Value = aCell.Value + 10
```

Next

Кўпинча айрим олинган катақда амал бажариш ёки умуман бажариладиган амални танлаш тўғрисида қарор қабул қилишдан олдин катақ тузилишини текшириш керак бўлади. Катақнинг жорий қийматига асосланиб, дастурий код катақни ўзгартериш ёки бошқа амаллар бажариш бўйича қарор қабул қилиш мумкин. Бундай ҳолда ҳам For Each... Next циклдан фойдаланиш мумкин.

For Each In Worksheets (“Лист”).Range(“A5:B10”)

```
If IsNumeric(aCell) Then
```

Select Case aCell

Case 5 to 10

```
aCell.Font.Underline = xlUnderlineStyleSingle
```

Case 10 to 20

```
aCell.Font.Italic=True  
Case Is>20  
    aCell.Font.Bold=True  
End Select  
End If  
Next
```

**Ажратилғанлар билан ишлаш.** Агар катақ ва бир неча катақлар қиймати ёки форматини ўзгартыриш учун фойдаланувчи авваломбор уларни ажратиб олиш зарур. Аммо VBAда катақларни ажратиш шарт эмас, чунки амаллар бажариладиган катақларни идентификациялаш учун Range объектидан фойдаланиш мумкин. Аммо VBAда ажратилғанларга боғлиқ шундай воситалар борки, улар икки имкониятни амалга ошириш учун ишлатиласи: дастурий код фойдаланувчи томонидан ажратилған катақларни ва код фойдаланувчига қайси катақларда мұхим амаллар бажарилаётганлигини аниқлаш мумкин.

Күп ҳолларда фойдаланувчи коди ажратилған катақларга таъсир ўтказади, чунки Excelда бу ишларни ўрнатылған буйруқлар амалга оширади. Фойдаланувчи томонидан ажратилған соҳага мурожаат қилиш учун Application ёки Window обьекти бўлган Selection (ажратиш) хоссаси ишлатиласи. Application обьекти бўлган Selection хоссаси ҳозирга вақтда фаол бўлган ишчи варакда ажратилған соҳани қайтаради.

```
Application.Selection.Value =20
```

```
Selection.Value =20
```

Агар мурожаат доимо маълум бир дарчага тегишли бўлишлик (жорий моментда қайси дарча фаол бўлишидан қатъий назар) шартни қаноатлантириш учун дарча Selection хоссасини ишлатиш зарур. Куйидаги мисолда ушбу техника намойиш этилган ҳамда бу ерда жорий ажратилған соҳага кейинчалик қайта мурожаат қилиш учун қандай қилиб соҳага обьектли мурожаат ўргатиш кўрсатилған.

```
DIM SelRange As Range
```

Set SelRange=Windows (“Үйинчоқлар инвентиразияси. xls”) Selection  
With SelRange

.CheckSpelling

.AutoFit

.Copy

End With

VBA ишчи вараққа ўзгаришлар киритар экан, бу ишни фойдаланувчи сезиши учун Select (ажратмоқ) усулидан ажратилған бўлакни керакли соҳа, диаграмма ёки бошқа бир жойга силжитишда фойдаланилади. Select усули Excelда мавжуд ҳар қандай объектга қўлланилади. Жумладан, Chart (Диаграмма) объектга ва унинг барча компонентларига Shape (шакл) объектига ва албатта Range объектига ҳам қўлланилади.

Диапазон (соҳа)ни ажратиш учун дастлаб у жойлашган ишчи варақни фаоллаштириш зарур. Кейин Range объекти учун Select усулини қўллаш лозим. Уни қўйидаги мисолда кўриш мумкин.

